



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ №19 (49) 9.05.2019 йил

Эхтиром



9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Ушбу сонда

Тараққиёт пойдевори

Шу кунларда мамлакатимиз Президенти илгари сурган бешта ташаббус асосида жойларда амалга оширилаётган хайрли ишлар эл-юрт фаровонлиги йўлидаги савъ-ҳаракатларнинг яна бир қиррасини намойиш этмоқда. Буни Тошкент вилояти Бўка тумани мисолида кўришимиз мумкин. 8-саҳифада >>

Аъзам ОБИДОВ:

“Уюшмага ташаббуслар керак эмасми?”

Бизда тайёр таржимонлар ва таржимонларни етказиб берадиган мактаб, собиқ иттифоқ таржима мактабида шаклланган марказлашган таржимонлар гуруҳи йўқ. 5-саҳифада >>

“Оқ кема” — миллий театр саҳнасида



4-саҳифада >>

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳам соҳа фахрийларини йўқлаб, эсдалик совғаларини топширди. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 96 ёшли цирк артисти Ҳаким Зариповнинг ҳолидан хабар олинди ва элимиз ардоғидаги санъаткорлар хонадонига борилди.

Кутлуғ ёшларни қаршилаётган, уруш даврининг машаққатларини фронт ортида бошдан кечирган бир гуруҳ фахрийлар бугунги фаровон кунлар ва қадрланаётган қаҳрамонлар ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Тўти Юсупова, Ўзбекистон халқ артисти:
— Ҳозир биз кексаларни “нуроний” дейишади. Бунақа сўзни қайси мамлакатда эшитасиз — ҳеч қаерда! Мустақилликнинг шарофати билан, синовларда сабр қилиб, шукроналик келтириб, шу улуг кунларга етиб келдик. Ёшларга “Урушнинг номи ўчсин” дейман.

Рихсixon Ибрагимова, Ўзбекистон халқ артисти:
— Биз урушда қатнашмаган бўлсак-да, машаққатларимиз оз бўлмаган. Ўн-тўққизта жон яшайдиган оилалар учун етса-етмас, бир кунга иккита нон бериларди. Ўзига берилган кунлик нонини йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйиб, “бошқаларга оғирлигим тушмасин” деб, буни билдирмай, оламдан ўтганлар ҳам бўлган.

Кўшнларнинг уйи орасида девор бўлмасди. Қора қозонда қилинган таъм-сиз шўрвани, бир коса бўлса ҳам, бир-биримизга улашардик, бир-биримиздан хабар олардик. Урушнинг нафасини шу меҳр-оқибатимиз нари қилиб турарди. Бугунги тинчлигимизга кўз тегмасин, шу кунларга етказганига шукур!

Ёқуб Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти:
— Барча юртдошларимни, уруш ва меҳнат фахрийларини бугунги инсонийлик байрами билан самимий муборакбод этаман. Бизга шундай эътибор, эхтиром кўрсатаётган давлатимиз раҳбари, бағрикенг халқимиз омон, тинчлигимиз бардавом бўлсин!

Эътибор



Эъзозли кексалик шукронаси

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, юртимизда уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига Президентимизнинг табрикмаси ўқиб эшиттирилмоқда ва 7,5 миллион сўмдан пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совғалар берилмоқда.

Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов вилоят туман ва шаҳарларида истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари, жумладан, Самарқанд шаҳрида яшаётган 96 ёшли Рашид Раҳмонов хонадонига бориб, давлатимиз раҳбари йўллаган табрикнома ва пул мукофоти, шунингдек, вилоят ҳокимлигининг совғаларини топширди.

Ташриф

Маданият вазири Фарғонада



5 май куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Фарғона вилоятига борди. Ташриф давомида Б.Сайфуллаев тизим ташкилотларининг фаолияти билан яқиндан танишди ва мавжуд муаммоларни ўрганди.

Маълумки, юртимизда маданият ва санъат соҳасида сўнгги икки йилда кўплаб қарор ва фармойиш-

лар эълон қилинди. Маданият вазирининг асосий эътибори ушбу қарор ва фармойишларнинг ижроси жойларда қай тартибда кечаётганига қаратилди. Б.Сайфуллаев вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларига ташриф буюриб, соҳа ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилар билан давра суҳбатлари ўтказди.



Рамазон тухфаси



Қил қаноатни шиор...

Шоир, таржимон, тарихнавис ва давлат арбоби Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий мумтоз адабиётимиз тарихида сара ва салмоқли мерос қолдирган ижод соҳибидир. У ғазаллари, рубоилари, қитъаларида кишиларни адолат, инсоф, сабр-қаноат, меҳр-муҳаббат каби фазилатлар эгаси бўлишга даъват этади. Шоир наздида молу мулкка ҳирс кўйиш, тамағирлик, очкўзлик ҳар кимсани қанчалик тубан этса, сабр-қаноат, аксинча, кишини шу қадар азиз қилади.

Тангрига айлаб таваккул қил қаноатни шиор, Икки оламда керак бўлса азар иззат санго.

Яъни жонингни жабборга бериб, топганингни емай-ичмай, хайрли ишларга сарфламай, бойлик тўплаганинг билан у кимга вафо қилибдики, сенга вафо қилса, миннатли нондан ўлим афзалдир, дея уқтиради шоир.

Ранжлар тортиб туну кун ҳосил этсанг ганжлар, Барчаси сендин қолиб, ҳамроҳ борур ҳасрат санго. Бағрингга тиш берктиб сабр айла жузу фоқага, Ким, ўлум яхши егандин нон чекиб миннат санго.

Қаноат гўшасида хокисорликни касб қилган кишигина иззат-ҳурмат осмонида қуёш янглиг юсак кўтарилиши мумкин.

Қаноат гўшасида хоксор ўлмоқни одат қил, Агар етмак тиларсан меҳр янглиг авжи иззатга, — дейди шоир қитъаларининг бирида. Шоир кишиларни қаноатга, сабрга, тамағирликдан йироқ бўлишга ундар экан, аини даврда давлатмандларни қўли очқликка, хайру саховатга ҳам даъват этади. Бахил, хасис, элга нафи тегмайдиган, бировга бериш ўрнига ўзгаларнинг озгина молига ҳам кўз олайтирадиган одамларни бу оламнинг энг бадбахти деб қоралайди.

Бори олам элининг шуму бадбахти ул одамдур-Ки бухлу, хиссату, кибру ҳасад ондин бўлур воқъе. Агар жам айласа юз ганжи хиссат бирла Қорундек, Яна эл молини айлар таъма, бўлмай анго қонъе.

Муқаддас ҳадисларда ҳам сабр-қаноат иймон-этиқодли кишининг зийнати эканлиги алоҳида уқтирилган. Кишиларни ҳамжиҳатликка, меҳроқибатли бўлишга чорловчи Огаҳийнинг пурмаъно сатрлари аини кунларда ҳам жамиятимиздаги иллатларга қарши курашда гоят муҳим маънавий-тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Барчани эзгулик сари йўловчи ушбу сатрларни қайта-қайта ўқиш барчамиз учун фойдадан холи бўлмайди.

Бектемир ХҲЖАЕВ,
Хива шаҳар бош имом хатиби
Отабек ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Назм ва наво

Аския кечаси бўлиб ўтди

5 май куни Қўқон шаҳар маданият бўлимига қарашли Фурқат боғида “Назм ва наво” аския кечаси ҳамда “Ўзбек қабутарлари ва ноёб турдаги қушлар” кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танловни Қўқон шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов очиб, бу маскандан етишиб чиққан улуг сиймолар ҳаёти ва ижодига тўхталаркан, Қўқон театр санъати ва маданият ўчоғи эканлигини, шунингдек, бу ерда ўзбек футболга биринчилардан бўлиб асос солинганини айтиб ўтди.

Шундан сўнг таниқли сўз усталари — Абдулла Акбаров, Жўраҳон Пўлатов, Баҳодир Шокиров, Мансуржон Охунов, Маҳмуджон Исмоилов, Андижон вилоятидан келган Муҳиддин Султонов, Мамасиддиқ Алихоновларнинг чиқишлари, ичақузди хангомалари барчага хуш кайфият улашди. Хонандалар — Шера-



ли Раҳмонов, Жўрақўзи Хотамов, Ҳасанбой Турдалиев, Наримон Эрматов ва “Сарвиғул” халқ ансамбли ижросидаги жозибали куй ва қўшиқларни томошабинлар олқишлар билан кутиб олишди.

“Ўзбек қабутарлари ва ноёб турдаги қушлар” кўрик-танловида фаол иштирок этган Рустамжон Сотволдиев, Равшанжон Расулов-

ларга “Човкар” клубининг фахрий ёрлиғи, диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Қўрик-танловда Россия федерацияси ва Қозоғистон Республикасидан ҳам ноёб қушлар ишқибозлари қатнашишди.

Набижон УСМОНОВ,
Қўқон шаҳар маданият бўлими ходими

Хотира

Бахши ёдга олинди

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида Қодир бахши Раҳимов хотирланди.

Тадбирда вилоят маданият бошқармаси вакили Абдували Раҳмонов, бош мутахассис Усмон Кўчкинов, Ўзбекистон халқ бахшиси Мамаатмурод Ражабов ва Маҳаммади Даминов, Чори бахши Култўраев, Эркин Ўралов, Ҳамза Тангиоров, Мусурмон Келдиев, Чироқчи туманидан келган Шодиёр Раҳмонов каби бахшилар сўзга чиқиб, Қодир Раҳимовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотираларини ўртоқлашишди.

БМСМларида

Композиторлар билан ижодий учрашув

2 май куни Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабида композиторлар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат консерваториясининг доценти Муҳаммад Отажонов, профессор Ойдин Абдуллаева, катта ўқитувчи Камолитдин Азимовлар қатнашишди. Ташриф буюрувчилар томонидан мактаб кутубхонасига китоблар совға қилинди.



Шунингдек, “Устоз-шогирд” анъанасига кўра, халқ чолгулари, мусиқа назарияси ва фортепиано бўлимларида ўқитувчи ва ўқувчилар учун маҳорат дарслари ташкил қилинди. Дарсларда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

М.НУРБАЕВА, М.МАҲМУДЖОНОВА,
мусиқа назарияси ўқитувчилари

Эхтиром

Уруш қатнашчиси хонадонида

7 май куни Қашқадарё вилояти Қасби туман ёшлар иттифоқи, туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими вакиллари ҳамда 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари Маймаоқ қишлоғида яшов-

чи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мирзо бобо Жўраев хонадонига боришди. Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан ташриф буюрган меҳмонлар отахонга эхтиром кўрсатиб, совғалар тақдим этишди.

Эътибор



Театрға ҳокимликнинг совғаси

Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан вилоят мусиқали драма театрига “ISUZU” русумидаги автобус совға қилинди.

Автоулов калитини Хонобод шаҳрида ўтказилган “Хонобод таровати” фестивали чоғида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ўткирбек Шукуров театр директори Алижон Асқаровга тантанали равишда топширди.



Учрашув


Саҳна — ибратхона



3 май куни Олмалик шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳамда Маданият бошқармаси ҳамкорлигида Президентимиз илгари сурган бешта ташаббус бўйича театрлаштирилган тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Жўраев

ҳамда кино ва театр актёри Воҳиджон Зоитовлар Ватан, ота-онага ҳурмат, шунингдек, тўйларни ихчамлаштириш борасидаги муаммоларни саҳна кўринишлари орқали ифода қилди.

Тадбир якунида шаҳар ҳокими ўринбосари Соҳибжон Аҳмедов меҳмонларга ўз миннатдорчилигини билдирди.



Ташаббуснинг парвози

Ёшлар театр студияси иш бошлайди

6 май куни Президентимиз илгари сурган ташаббусларга жавобан Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактабининг тасвирий санъат, театр санъати, эстрада хонандалиги, халқ чолғулари бўлимлари билан биргаликда “Умақай” МФЙ Қўчқорбулоқ қишлоғида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда ёш ижодкорларнинг кўргазмаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, мактаб қошида туман ҳокимлиги ва ҳомиёлар ҳисобидан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардан таркиб топган Ёшлар театр студияси ташкил қилинмоқда.

Китобхонлар беллашуви

30 апрель куни Жиззах вилоят тиббиёт коллежида ўқувчиларнинг “Ёш китобхон” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда ўқувчилар асарлардан парчалар ўқиш, ёзувчилар ҳаёти ҳақида сўзлаб бериш ва эркин мавзуда иншо ёзиш шартлари бўйича беллашдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими вакиллари, вилоят мусиқали драма театри актёрлари, Ўзбекистон ХДП партияси вакиллари ўқувчиларнинг билимини одилона баҳолаб боришди. Театр актёрлари Воҳид Низомиддинов ва Миржалол Шайзоқовлар ижросидаги қизиқарли саҳна кўринишлари ва куй-қўшиқлар тадбирнинг янада кўтаринки руҳда ўтишига замин яратди. Танлов голибларига фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.



Ўқувчилар фаол қатнашишди

Андижон туман истироҳат боғида туман ҳокимияти билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббусга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Андижон вилояти Андижон туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабининг хор жамоаси, доирачилар ансамбли, анъанавий ва эстрада хонандалиги, шу билан бирга, амалий ва тасвирий санъат йўналишлари ўқувчилари ўз маҳоратларини кўрсатишди. Уларнинг ажойиб куй-қўшиқлари, ижодий ишлари тенгдошларида ҳам санъат соҳасига бўлган қизиқишини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди.



Ҳисобот концерти

“Санъатим — фахрим”

2 май куни Марҳамат туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактабида “Санъатим — фахрим” деб номланган ҳисобот концерти ўтказилди.

Халқ чолғулари оркестри, дуторчи қизларнинг жонли ижродаси куй-қўшиқ, ялла ва жозибали рақслари ўрин олган концертга туман ҳокимлиги, молия, халқ, пенсия, газна бўлимларидан вакиллар ҳамда ота-оналар таширф буюрдилар.

Дастурда республика кўрик-танловининг вилоят босқичи голиблари — А.Холматов ва Пекин шаҳрида ўтган “Жемчужина Востока” халқаро танловининг Гран-при совриндори Алишер Эргашевлар ижросидаги қўшиқлар, иқтидорли ўқувчиларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди. Тадбир қатнашчиларига меҳмонларнинг қимматбаҳо совғалари ва фаол педагогларга фахрий ёрликлар топширилди.



Д.ҲАЙДАРОВА, Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 26-сон БМСМ ўқув-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Таассурот



Цирк томошаларидан бир олам завқ олдим

Умримда илк бор цирк томошаларига бордим. Тошкент шаҳридаги Ўзбек давлат цирки биносига кириб, доира шаклидаги арена кўрганимда, “циркнинг ўзи ҳам бир олам экан” деган фикр кўнглимдан ўтди.

Акробатларнинг арқонга осилиб шифт қадар кўтарилишлари, ҳайвон ўйнатувчиларнинг томошалари, оловли рақслар, масҳарабозларнинг қувноқ чиқишлари, фокусчининг маҳоратини кўриб, барчанинг ҳайрати ошди. Айниқса, болалар севинчларини яширолмадилар.

Кичик танаффус чоғида аренага дор ўрнатилди. Цирк дорбозларининг арқон устидаги ўйинлари ҳам томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Аммо томошалар чоғида оддий айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Акробатларнинг кичик хатоларини, менимча, қувноқ ҳазиллар билан хаспўшлаш керакдек туюлди. Фокусчиларнинг қизил либоси бирдан оқ либосга айланиб қолаётганида, қизил либоснинг этаги озгина кўринганини ёнимдаги томошабинлар ҳам пайқашди. Шунингдек, цирк масҳарабозининг репертуарини ҳам бойитиш керак, деган хаёлга бордим. Яна бир жиҳат — циркка илк марта тушаётганим учун у ерда концерт залларидагидек таассурот билан қайтаман, деб ўйлагандим. Аммо бу ерда зах хидига ўхшаш нохуш ҳавони ҳис этдим.

Умуман олганда, циркнинг ранг-баранг шовуларга бойлиги мени шод этди. Қисқа айтганда, у кўплаб санъат ва спорт турларининг умумлашмасидир. Мамлакатимизнинг фахри бўлган циркимиз келгусида янада ривожланишига тилақдошман. Бормаганларга эса бир бор бўлсада циркка тушишни тавсия этаман. Ҳақиқатан ҳам ўзингизни ўзга оламга тушиб қолгандек ҳис этасиз!

Шахло ўРОЛОВА,
Чирчиқ шаҳри

Таширф



Россия халқ артисти Олег Газманов Тошкентда

Ўзбекистон давлат консерваториясида Россия халқ артисти Олег Газманов билан учрашув бўлиб ўтди.

Газманов консерватория талабаларига 103дан ортқ бадий-адабий, муסיқий жанрдаги китобларни ҳадя қилди. Ўз навбатида Ўзбекистон давлат консерваторияси раҳбарияти хонандага дутор совға қилди. Олег Газманов ушбу дутор билан “Морячка” кўшигини ижро этиб берди.

“Сизлар билан учрашганимдан жуда мамнунман, — деди О.Газманов. — Энди мени ҳам ўрганиш учун ўзбекча созим бор. Бу ёғига янги кўшиқлар ёзамиз!”

Конференция

жуман
қолалари
там
ида


7 май куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи билан ҳамкорликда "Фольклор, тил ва маданият масалаларини илмий ўрганишда фан ва инновациялар уйғунлиги" мавзуси-

да халқро илмий- амалий конференция бўлиб ўтди.

Республикаимиздаги олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, ЎзР ФА илмий тадқиқот институтининг илмий ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда хорижлик олимлар ва халқ бахшилари иштирок этган тадбирда ЎзДСМИ факультет ва кафедраларининг ижодий

кўргазмалари ташкил қилинди.

Конференция доирасида шу номдаги тўпلام ҳам чоп этилди. Ундан ушбу анжуман материаллари, фольклор, тил, адабиёт ва маданият масалалари тадқиқига бағишланган хорижлик ва ўзбекистонлик таникли олимлар, ёш изланувчи тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ўрин олган.



» Реклама ҳуқуқи асосида



Дунёни оқ ва қора, яхшию ёмон сифатлар теграсида идрок этиш ва ҳамиша ўша оқликни кўмсаш, ёмонликка қарши курашиш истаги асраб туради. Бу туйғу ҳар бир тирик жонни курашчанликка ундаши ҳам бор гап. Айни курашчанлик ҳосиласи бўлган адабиёт дурдоналари эса тобора кичрайиб бораётган оқ ранглари илгашга, уларни асраб-авайлашга ўргатади. Атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов қаламига мансуб шундай асарлардан бири "Оқ кема" Ўзбекистон миллий академик драма театрида яна саҳна юзини кўрди. Давримизнинг етук санъаткорлари талқинида мухлислар қалбини забт этиб, ўзбек, қозоқ, қирғиз халқларининг дўстона муносабатларини намоён этган бу асар таникли қозоқ режиссёри Абубакир Раҳимов томонидан саҳналаштирилган.

"Оқ кема" — Миллий театр саҳнасида



... Спектакль бошланиши билан саҳна беағи бир зумда томошабинлар эътиборини ўзига тортди. Мониторда мавжланиб турган Исикқўл, соҳилдаги икки-учтагина хонадон, балиқчию овчилар ҳаётини акс эттирувчи декорация... Ва бундай бир оз маҳзун туюлган воқелик қаъридан гўё зимистонни ёритган ой мисол олти ёшли болакай югуриб чиқади-ю, қўлидаги дурбини билан узоқ-узоқларга кўз тикади. У жуда кичиклигидаёқ

ташлаб кетган отасини интиқиб кутарди. Баъзан эса бобоси Мўмин чолнинг эзгуликка йўғрилган эртакларидаги Она бугунинг шохларида келадиган оқ, оппоқ кема, ота-онаси йўлига интизор эди.

Лекин бобосини ҳам, болакайнинг беғубор орзуларини ҳам тушунмайдиган жоҳил кимсалар — "туғмас хотин" дея жуфти ҳалолини беаёв калтаклайдиган ароқхўр Ўроқкул, Мўмин чолни доим омадсизликда айблайдиган бағритош кампир ва бемехр ота-онаси туфайли умидлари сўнган болакай охириқабат балиққа айланиб қолгиси келиб, ўзини кўлга отади...

Умуман, спектаклнинг бошидан охиригача томошабин диққатини жалб эта олган болакай ролини ижро этган Бунёдбек Абдуллаев (театр қошида ташкил этилган "Тасанно" болалар студияси қатнашчиси), Мўмин чол ролини қиёмига етказиб ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод Абдуллаев, ўзи ўрмон хўжалиги бошлиғи бўла туриб, табиат ва ҳайвонот қушандаси бўлган Ўроққулни акс эттирган Бехзод Муҳаммадқаримов, Мўмин чолнинг қаҳри қаттиқ кампири ролини жонлантирган Сайёра Юнусова ҳамда бошқа ижрочиларни томошабинлар давомли қарсақлар билан олқишлар экан, театр яна бир бор "ибратхона" деган сифатни оқлай олди, дейиш мумкин. Зеро, спектакль ижрочиларининг ҳар бири ўз ролини маромига етказиб ўйнади. Аммо бу муваффақиятлар ортида озмунча меҳнат бор дейсизми?! Лекин санъаткорларга нисбатан кўпинча қўлланиладиган "Аллоҳ юктирган" деган сўзлар ҳам бежиз айтилмаган.

Шу маънода ҳаётини саҳнаси тасаввур этолмайдиган фидойиларнинг ушбу спектакль жараёнидаги кечинмалари билан қизиқдик.

— "Оқ кема" атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматовнинг машҳур асарларидан бири, уни саҳналаштириш режиссёрдан ҳам, актёрлардан ҳам аввало масъулиятни, қолаверса, қасб маҳоратини талаб этади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод Абдуллаев. — Менга асарнинг бош қаҳрамонларидан бири — Мўмин чол образи топширилди. Бу роль ҳар томонлама руҳиятимга мос тушган, десам адашмайман. Ташқи кўриниши-ю, ички дунёсида ўхшашлик жиҳатларимиз кўпчилигини ҳис этдим, балки бу менинг тасаввуримда шундай туюлгандир. У содда, ишонувчан, оққўнғил — шунданми, ҳаётда кўп қийинчиликларга учрайди. Ёлғиз ўғли урушдан қайтмаган, бир қизи ёшгина ўғилчасини ташлаб кетган. Иккинчи қизи Бекей эса тирноққа зор, шунинг учун бадхулқ эри Ўроққулдан доим калтак ейди. Биргина овунчоғи шу ота-онасиз қолган невараси. У билан болаларча суҳбатлашишдан асло чарчамайди, эртаклар тўқийди ва уларга ўзи ҳам ишонади. Одамларнинг халоскори — "Она бугу"нинг қайтишини кутади.

Энг ачинардиси, у ҳимоясиз, ҳатто қизини Ўроққулдан ҳимоя қилолмайди. Қуёвининг ароқхўр улфатларига, ҳали дарахтларга, ҳали жониворларга қирон келтиришларига қарши турулмаганидан қаттиқ изтироб чекади.

Дарҳақиқат, Фарҳод Абдуллаевнинг саҳнадаги ҳар бир ҳаракатида чорасизлик, ҳимоясизлик, нигоҳларида эса изтироб, шу билан бирга одамларга, табиатга бўлган беқиёс меҳрни илгаш қийин эмас. Бу албатта актёрнинг ўзига хос, бетакрор истеъдодини кўрсатади.

Аммо тақдир тақозоси билан Мўмин чолга иккинчи умр йўлдош бўлган ўғай она жаҳлдорлиги, бераҳмлиги билан эрининг тамоман акси. Бу ролини маромига етказиб ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Юнусова кўпинча ижобий роллари билан томошабинларга яхши таниш.

— Машҳур адиб Чингиз Айтматов асарларини, хусусан, "Оқ кема"ни болалигимдан қизиқиб ўқиганман, — дейди С.Юнусова. — Бу спектаклда роля ўйнаш насиб этганидан хурсанд-

ман. Ундаги чуқур фалсафий, ҳаётий воқеалар, ҳар бир персонажнинг мураккаблиги, актёрни масъулиятга, томошабинни чуқур ўйга толдиради. Мен ижро этган Мўмин чолнинг кампири ҳам бир қарашда салбий образга ўхшайди. Аммо у тақдирнинг аччиқ синовларини бошидан кечирган, беш фарзандининг тўрттаси туғилганидаёқ нобуд бўлган, уруш туфайли шу ёлғиз ўғлидан ҳам айрилиб, кўп азоб тортган. Ундаги тўшбағирлик ана шу аччиқ қисмат натижаси. Актёрнинг вазифаси шу ҳақиқатни юзага чиқариш, томошабинни мулоҳазага чорлаш. Бу борада изланиш, интилишларим бесамав кетмади. Қирғиз халқининг ўзига хос жиҳатлари — дангаллиги, қайсар табияти, кези келганда ҳеч кимни аямай, бор гапни тўкиб солишига мослашиш осон кечмади. Лекин аёл қалби туғёнларини кўрсата олишга ҳаракат қилдим...

Бу борада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бехзод Муҳаммадқаримовнинг кечинмалари ҳам ўзига хос.

— Мен кўпроқ ижобий ролларни ижро этганман, — дейди у. — Ўроққул умуман табиатимга зид характерли образ. Лекин актёрнинг вазифаси ўзига топширилган ролни тўлақонли яратиши керак. Табиатан кўрс, кўпол, дағал, боз устига ароқхўр, хотинини аёвсиз калтаклайдиган жоҳил эр қиёфасини яратиш менга ҳам осон кечмади. Бироқ уни тушунишга ҳаракат қилса бўладиган жиҳат бор. У фарзандсизлиги учун жуда қаттиқ ўқинади, номус қилади. Демак, Ўроққул ҳам мураккаб образдир...

Б.Муҳаммадқаримовни томошабинлар турли кинофильм, сериаллар, шунингдек, Амир Темурнинг ёшлик даври, "Мирзо Улуғбек"да Абдулла-тиф, "Шайтанан"да Элчин образларини ўйнаган маҳоратли актёр сифатида яхши танишади. "Оқ кема"даги Ўроққул эса унинг янги қирраларини намоён этган бўлса, эҳтимол.

Спектакль охирида томошабинлар ижрочиларни узоқ олқишлар экан, ўз хурматларини гулдасталар билан намоён этишди. Лекин Бехзод Муҳаммадқаримов (Ўроққул) га бундай хурмат кўрсатилмади...

— Мен бундан хафа эмасман, — дейди актёр қулимсираб. — Демак, улар мени ҳақиқий Ўроққул деб қабул қилишди...

С.РИХСИЕВА



Тадбир

Касбим — фахрим



Дилдаги гаплар

30 апрель куни Тошкент вилояти Бекобод шахридаги 20-болалар музика ва санъат мактабида "Касбим менинг — фахрим менинг" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Ота-оналар, шаҳардаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари, маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилган ушбу тадбирда ўқитувчилар жамоасидан тузилган оркестр, хор, ракс ансамбллари ўз концерт дастурларини тақдим қилишди.

Шунингдек, мактабнинг тасвирий санъат бўлими ўқитувчилари томонидан ижодий ишлар кўргазмаси, амалий санъат бўлимида фаолият олиб бораётган педагогларнинг "Ўзбек миллий либос"лари туркумидан модалар кўргазмалари намойиш қилинди.



Аъзам ОБИДОВ:

“Уюшмага ташаббуслар эмас, фақат ош керак...”

Алишер Навоий, Чўлпон, Усмон Носир каби кўплаб буюк ёзувчи-шоирларимизнинг асарларини инглиз тилига таржима қилиб, ушбу асарларни, адабиёт ва санъатимизни жаҳон мамлакатларида беғараз тарғиб қилиб келаётган таржимон ва шоир Аъзам Обидов билан суҳбатимиз айнан таржима санъатининг бугунги аҳволи ҳақида бўлди.

— Таржимонлик бобида яхшигина тажрибангиз бор. Сизни бугунги таржимонларимиз қилаётган ишлар қай даражада қониқтиряпти?

— Таржима ва таржимонлик санъати борасидаги ишлардан, очиги, умуман қониқаётганим йўқ. Бу яқин бир-икки йил эмас, 15-20 йилдан буён ўйлангириб келаётган масала. Аммо ҳеч қим марказлашган, уюшган таржимонлар мактабини яратиш ҳақида ўйламаяпти.

Лекин айтиш жоизки, юртимизда чет эл адабиётларини ўзбек тилига таржима қилиш борасида айтишга арзигулик ишлар амалга оширилди. Масалан, “Жаҳон адабиёти” журнали ва сайти, “Китоб дунёси” сайти бу борада яхши ишлар қиляпти. Чет эл классик китобларининг янги таржималари бериб бориляпти, таржима қилинган асарларни қайта таржима қилиб кўришяпти, бу — жуда яхши. Мен ўзбек адабларининг асарларини жаҳон тилларига таржима қиламан, мақсадим — шу фаолиятни ривожлантириш. Афсуски, бу соҳага ҳеч қим қизиқмаяпти, шуғулланмаяпти. Бунинг сабаблари кўп.

Бизда тайёр таржимонлар ва таржимонларни етказиб берадиган мактаб, собиқ иттифоқ таржима мактабида шакланган марказлашган таржимонлар гуруҳи йўқ. Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда жаҳон тиллари университетиди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида гуруҳлар бор, аммо уларнинг ҳаммаси тарқоқ ва кичик. Қолаверса, кўплаб элчихоналардаги масъулларимиз ҳам лаёқатсиз, адабиётимизни ривожлантириш ўта муҳим вазифа эканини тушунмаяпти.

— Ушбу гуруҳларни қандай қилиб бирлаштириш мумкин, деб ўйлайсиз?

— Бунинг учун жиддий ва ўта аҳамиятли конференция уюштириш керак. Ам-

мо у кўзбўямачилик ёки қоғозбозлик учун бўлиши керак эмас! Унда барча таржимонларимиз рўйхати тузилиб, қай бири қайси асарни таржима қила олишини ўрганиш, малакаси етмаса, пухта режа асосида 4-5 та гуруҳни шакллантириб, уларнинг хорижда ўқиш келиши масалаларини ўртага ташлаш зарур. Хулосалардан келиб чиқиб, пишиқ лойиха ишлаб чиқиш керак. Хорижда бу ишларга маблағ сарфлайман деган инвесторлар тайёр турибди.

Ўзим ҳам “Ёзувчи-рассом резиденцияси” деб номланувчи дастур тайёрладим. Дастур доирасида чет элдан таржимонлар, ёзувчи-шоирларни юртимизга таклиф қилиб, ўзбек ижодкорлари билан ҳамкорлик қилишларига кўмаклашдим. Бироқ бу миллион-миллион халқ бор мамлакат учун жуда камлик қилади.

Кучли адабиётимиз, санъатимиз, бой тарихимиз, маданиятимиз бор. Булар ҳақида тўлиб-тошиб гапиришимиз мумкин. Навоий асарларидан бири — “Фарҳод ва Ширин” достонининг насрий баёнини инглиз тилига таржима қилдим, таржима икки чет эллик (америкалик ва британиялик) соҳа мутахассиси муҳаррирлик қилди. Улар асар яхши таржима қилинганини айтишди. Аммо бу китобнинг тарғиботи билан ҳеч қим қизиқмади... Ишимга эътиборсиз бўлишса ҳам, тушкунликка тушмадим, бу билан тўхтаб қолмаган.

— Таржимонгиз тақдирини ҳамкорликда ўтқазш учун Ёзувчилар уюшмасига таклиф билан чиқмадингизми?

— Очигини айтман, мен уюшма билан “ўртоқ” эмасман. Чунки ёлғондан,



лойиха эканини айтди. Аммо нега анжуманларга мустақил ижодкорларни, мени ҳам қақиршмайди?

Маданият вазирлигини ҳам, бошқаларини ҳам тушунаман, бизнинг янги лойиҳаларимиз қайсидир маънода ҳукуматнинг концепциясига тўғри келмас... Янги нарсалар ҳеч қачон тезда қабул қилинмаган, бунинг кўп кузатамиз. Лекин мен учун хобби бўлган бу ишларим муҳим бир жараёнга айланишини, халқимизга янада кўпроқ фойдам тегишини истайман. Ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқиш учун йўл кўрсатгим келади. Афсуски, бу ишга масъуллар “ухлаб” ётибди.

— Сизнингча, уларни “уйғотиш” учун нима қилиш керак?

— Кўплаб тадбирларимга таклиф қиламан, лекин улар келишини ишташмайди, аксинча, ошга қақиршади. “Чет элдан 10 га яқин ёзувчи-рассомларни таклиф қилиб олиб келдим, келинлар”, деб ёзувчиларимизни қақирсам, учтагинаси келди. Лекин ошга қақирса, ҳаммаси югуриб боради. Афсуски, бизнинг ёзувчиларга фақат ош ва мукофот, дала-ҳовли, имтиёз билан даволанадиган шифоналар керак...

Кучли ёзувчиларимиз бор, лекин узлатда, улар халқ ҳақида ёзишяпти, аммо халқнинг ичига қиришини, қандай қилиб дунёга чиқиш йўларини билишмайди, айримлари бу ҳақда ҳатто бош қотиргиси келмайди. Масалан, четга чиқиш хоҳиши бўлса,

кўзбўямачилик учун ҳамкорлик қилиш мақсадида “Оддий-оддий китобларнинг музейга кўргазма учун бер”, дейишди. Шунинг учун ҳам уларни ҳамкорлик қиладиган жиддий ташкилот эмас, деган хулосага келганман.

— Аслида сиз қилаётган ишларни Ёзувчилар уюшмаси бажариши керак эмасми?

— Ижод фонди — айнан ўзбек адабиётини дунёга тарғиб қилиш вазифаси юклатилган биринчи жамоат фонди, давлат ташкилоти; Ёзувчилар уюшмаси — айнан улар учун бу энг муҳим вазифа; Ўзбек тили ва адабиёти университетининг устувор вазифаси адабиётимизни жаҳон майдонига олиб чиқиш, аммо инглиз тилини мукаммал ўргатадиган битта бўлса ҳам чет эллик ўқитувчиси йўқ. Бу ишда ёрдам беришга тайёрман, ҳатто уларни ҳамкорликка қақирдим, аммо улар жим-жит...

Аслида уларнинг ўзи таклиф билан чиқиши керак эмасми? Улар қилаётган ишларимдан ва тарғиботларимдан беҳабар, дейсизми? Асло ундай эмас, жуда яхши хабардорлар. Масалан, шу йилнинг бошида қилган тақдимотимга давлат ташкилотидан вакил келди, кўриб яхши

Хиндистонда ёзувчилар учун ўтказиладиган оддий дастурларга, Европага, Америкага тавсия қилишим мумкин. Улар эса, афсуски, инглиз тилини билмайди, тил ўрганишга иштиёқ ҳам йўқ. Каттасидан тортиб ёшларигача ёзганларини олиб келиб, таржима қилиб беришимни сўрашади. “Ўзинг қил, ўзинг ўрган, уйғон! Қачонгача судраш керак, ўзинг ҳам ҳаракат қил”, дейман энди.

Асарни ёзувчининг ўзи бошқа тилга тушуниб таржима қилса, кўпроқ фойда кўради, дунёга танилади. Бу борада ҳам ёрдам бериш учун бепул инглиз тили курсларини, суҳбат дастурларини ташкиллаштирияман, аммо борадиган ёзувчи-рассомлар, шоирларимиз йўқ. Улар вақтини қизғанади. Лекин ошга қақирсанг, доимо вақт топади.

Ўтган йили бир воқеа бўлди. Мунира исмли қиз Ёзувчилар уюшмасида қандайдир танловга таклиф қилди, бордим. Қизиги, у ерга борганим учун уюшмадагилар ўша қизни сиқувга олиб, танбех берибди. Мен эса келган ёшларга тил ўрганиш, таржимонлик ва ижодкорлик бўйича тақдимотлар қилиб берган эдим...

Ўзимни кучли ёзувчи деб ўйламайман, лекин дунёнинг деярли ҳамма жойида бўлдим. Бошқа ижодкорлар ҳам дунё кўрсин, тажриба, билим олиб қайтсин, дейман. Ахир кўплаб ёзувчиларимиз ёзган асарлари чет элда танилишини орзу қилади. Афсуски, орзу қилади, холос, унга ўзи интилмайди.

А.МҶИНОВ ёзиб олди.
(Давоми келгуси сонда)

» Концерт

“Санъатим – саодатим”

1 май куни Андижон шаҳридаги Жомеъ меъморий мажмуасида “Фавворалар куни” муносабати билан Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлиминининг “Санъатим – саодатим” деб номланган концерт дастури намойиш этилди.

Президентимиз илгари сур-

ган бешта ташаббус ижросини таъминлаш — ёшларда мусика, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида ташкил қилинган мазкур тадбирда бўлинма хонандалари — Адхамжон Абдулхаев, Муҳайёхон Тожима-

матова, Аброрбек Жамолдинов, Аъзамжон Султонов, Нилуфархон Каримова, Санжарбек Омонов, Ҳамидулло Юлдашев, Зайниддин Иброҳимов ва созандалар гуруҳи томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди, раққосалар ижросидаги шўхчан рақслар барчага кўтаринки кайфият ва завқ улашди.



» 9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Мардлар жасорати мангу яшайди

4 май куни Хоразм вилоятидаги “Ичан қалъа” музей-қўриқхонасида вилоят ва Хива шаҳри мудофаа бўлимлари, Ёшлар иттифоқи вилоят ва шаҳар кенгашлари, “Ватанпарвар” ташкилоти, музей-қўриқхона ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантаналар ташкил этилди. Фронторти ва меҳнат фахрийлари, ёшлар, шунингдек, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар иштирок этган мазкур тадбир доирасида Иккинчи жаҳон уруши fronti кўринишларини акс эттирувчи ҳарбий машиналар, палаткалар ва қурул аслахалардан иборат кўргазма намойиш этилди. Ҳарбий оркестр ижросида мардлик, жасорат, ғалаба тараннум этилган куй-қўшиқларлар янгради.

Шу кунги музей-қўриқхонанинг Тош ҳовли, Феруз, Тасвирий санъат, Табиат, Мусиқа бўлимлари илмий ходимлари ҳамкорлигида сайёҳлар, маҳаллий аҳоли ва ёшлар иштирокида “Мардлар жасорати мангу яшайди” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Иккинчи жаҳон урушида халқимиз кўрсатган мардлик, матонат ҳақида сўз борди, Ватан ҳимояси йўлида жангларда ҳалок бўлган юртдошларимиз ёдга олинди.




Шу кунги музей ходимлари Хива тумани Соёт қишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Самандар ота Худойбергенов хонадонида бўлиб, отахонни Хотира ва қадрлаш куни, Рамазон ойи ҳамда муборак юз ёши билан қизгин табриклар, совғалар топширишди. Мулоқот давомида Самандар ота уруш хотиралари ҳақида гапирар экан, бугунги тинч-фаровон ҳаёт учун шукроналар айтиб, эзгу тилаklarини билдирди.

Зайнаб БЕКЧАНОВА,
Махлиё ЖУМАНИЕЗОВА,
Хивадаги “Ичан қалъа” давлат музей қўриқхонаси ходимлари

» Илмий-амалий семинар

Мақом ижрочилиги юқори савияда бўлиши керак

Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида “Мақом ижрочилигини профессионал даражага кўтариш ва мақом санъати таълимидаги муаммолар” мавзусидаги илмий-амалий семинар ўтказилди.



Мақом ижодкорлари, тадқиқотчилари ва амалиётчи-ижрочилари иштирокида Тожикистон мақом академияси билан онлайн тарзда ўтказилган мазкур анжумандан мақсад, минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган миллий мақом санъатимизни чуқур ўрганиш ва мақомшунослик илмини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган олимлар меросини ёшлар қалбига синдириш, уларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш механизмларини такомиллаштириш гоёсини амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон давлат консерватория-

сининг профессор-ўқитувчилари, соҳа йўналиши ташкилотларининг мутахассислари, хусусан, худудларда фаолият олиб бораётган намунали мақом ансамблларининг бадиий раҳбарлари иштирок этган тадбирни маданият вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков очиб берди. Шундан сўнг Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори С.Бегматов, Ўзбекистон давлат консерваторияси биринчи проректори, профессор А.Мансуровлар семинарнинг асосий мақсад ва вазибалари, таълим жараёни билан боғлиқ бўлган

муаммолар ва уларни ҳал қилиш хусусида фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Семинарда Тожикистон мақом академияси раҳбари, профессор Абдували Абдурашидов билан онлайн тарзда мулоқот олиб борилди. Шунингдек, ижрочилик амалиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижодкорлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Пирматова, Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси Аброр Зуфаровлар ҳам мавзуга оид маърузалари билан иштирок этишди.

» Кўргазма

Халқаро рақс санъати кунига бағишланди

29 апрель куни Ўзбекистон давлат санъат музейида ўзбек рақс санъати кунига бағишланган “Кўнгил таронаси” номидаги кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни санъатшунослар — Гулнора Мусаева ва Елена Қори-Еқубовалар музей илмий ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан таниқли ижодкорлар Ч.Ахмаров, Т.Салахов қаламларига мансуб рақс санъати бағишланган рангтасвир асарлари ўрин олган “Рақс рассомлар нигоҳида” деб номланган экспозиция яратилди.

3-бўлимда ХХ аср санъат усталари — Ўзбекистон халқ артистлари Тама-рахоним, Мукаррама Турғунбоева, Маргарита Оқилова, Равия Отажонова, Галия Измаилова, Гулнора Маваева, Бернора Қориева, Валентина Проскура, Вилюят Оқилова, Гавхар Матёқубова, Қодир Мўминов, Маъмура Эргашева, Малика Аҳмедова, Мукаррама Турғунбоева номида-

2-бўлимда эса таниқли ижодкорлар Ч.Ахмаров, Т.Салахов қаламларига мансуб рақс санъати бағишланган рангтасвир асарлари ўрин олган “Рақс рассомлар нигоҳида” деб номланган экспозиция яратилди.

3-бўлимда ХХ аср санъат усталари — Ўзбекистон халқ артистлари Тама-рахоним, Мукаррама Турғунбоева, Маргарита Оқилова, Равия Отажонова, Галия Измаилова, Гулнора Маваева, Бернора Қориева, Валентина Проскура, Вилюят Оқилова, Гавхар Матёқубова, Қодир Мўминов, Маъмура Эргашева, Малика Аҳмедова, Мукаррама Турғунбоева номида-

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган “Баҳор” давлат халқ рақс ансамбли, “Шодлик” давлат кўшиқ ва рақс ансамбли рақс либослари намойиш этилмоқда. Ундан Мукаррама Турғунбоеванинг шахсий буюмлари ҳам ўрин олган.

Кўргазма намойиши бир ой давомида. Бу вақт давомида музейда санъат илосмандлар учун маҳорат дарслари, рақс санъатини дунёга тарғиб этаётган рақс усталари билан давра суҳбатлари ташкиллаштирилади.

Шодия СОДИҚОВА,
Ўзбекистон Давлат санъат музей бўлим мудири

Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч

Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва бугунги кунда фарзандлари ардоғида яшаётган барча фахрийларга ўзгача ҳурмат кўрсатилмоқда.

3 май куни Жиззах вилоят ва Фориш туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими ҳамда бир қанча ташкилотлар вакиллари “Нурак” МФЙ Коратощ қишлоғида яшовчи II жаҳон уруши қатнашчилари — Нормуҳаммад

бобо Аёсов, “Қораобдол” МФЙ Каттасой қишлоғида яшовчи Абил бобо Шариповлар хонадонига ташриф буюришди. Учрашувларда уруш фахрийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг байрам табриги ўқиб эшиттирилди ва Президентимиз томонидан ажратилган 7,5 млн сўмдан бир марталик пул мукофоти ва эсдалик совғалари, шунингдек, вилоят, туман ҳокимликларнинг совғалари топширилди. Бундай

ғамхўрлик ва эътибордан руҳланган уруш қатнашчилари мамлакатимиз раҳбарига миннатдорчилик изҳор этиб, юртимизга тинчлик-омонлик тиладилар.

Учрашувда маданият бўлими бадиий ташвиқот гуруҳи аъзолари томонидан II жаҳон уруши йилларида ижро этилган куй-қўшиқлар ва композициялар ҳамда ўзбек халқ кўшиқларидан тузилган концерт дастури намойиш этилди.

Ш.ҚҮНИШЕВ.



» Вилоят театрлари ҳаётидан

“Фавворалар сайли”да байрам тадбири

1 май куни “Фавворалар сайли” муносабати билан Самарқанд вилояти кўғирчоқ театри ижодкорлари Руҳобод мақбараси ёнида, “Университет” хиёбонидаги фавворалар мажмуаси майдонида маданий-маърифий байрам тадбири ўтказди ва ўзларининг чиқишлари билан томошабин-

ларга хуш кайфият улашди. Самарқанд қадимдан бир-бирига ўхшамайдиган фавворалари билан маълум ва машҳур бўлган. Испания элчиси Клавихо соҳибқирон бобомизи Амир Темурнинг Дилқушо боғида бўлганида беҳад ҳайратга тушиб, ўз таассуротларини куйидагича баён этган:

“Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...”

Айни пайтда Самарқанд шаҳрида 20 та, вилоят бўйича эса 47 та бир-бирини такрорламайдиган бетакрор ва мафтункор фавворалар ишлаб турибди.



» Тадбир

“Мен ҳам Ватан ҳимоячиси бўламан!”

Тошкент шаҳар Олмазор тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий гвардияси ва Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактаби ҳамкорлигида “Мен ҳам Ватан ҳимоячиси бўламан!” шиори остида оммавий-маданий спорт тадбири ўтказилди.

Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган мазкур тадбирда Олмазор туманидаги мактабларнинг олти та жамоаси чаққонлик, топқирлик, ҳарбий билимдонлик ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўзаро бел-

лашдилар. Шунингдек, Миллий гвардия аскарлари, Олимпия ва жаҳон чемпионлари, спорт усталарининг чиқишлари, тумандаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан тайёрланган халқ амалии санъати, Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактаби ўқувчиларининг расмлар кўргазмаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактабининг ўқитувчи ва ўқувчиларидан иборат ижодий жамоа тайёрлаган

концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Мусобақа ғолиблари халқ таълими бўлимининг диплом ва фахрий ёрлиқлари, Ўзбекистон Миллий гвардиясининг эсдалик совғалари ҳамда бадиий китоблар билан тақдирландилар.

Фатхулло УБАЙДУЛЛАЕВ,
Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактаби директори ўринбосари
Набижон Эрматов,
“Халқ чолғулари” кафедраси ўқитувчиси

» Хотира – муқаддас

Фахрийларга эҳтиром кўрсатилди

6 май куни Хоразм вилояти Хонқа туман кўзи ожизлар кутубхонаси туман маданият маркази, туман ҳокимлиги ва 43-мактаб билан ҳамкорликда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган бадиий кеча ўтказилди. “Ўтганлар хотираси мангу яшайди” деб номланган ушбу тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, тумандаги меҳнат фахрийлари ва бир гуруҳ китобхонлар қатнашдилар.

Кечага ташриф буюрган кекса фахрийлар уруш йилларидаги ота-боболаримизнинг жасоратлари ҳақида

сўзлаб беришди. Хонқа туман маданият бўлими ходимларининг куй-қўшиқлари барчага хуш кайфият улашди.

Тадбир якунида уруш қатнашчилари ва фронторти фахрийларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, “Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди” мавзусида китоб кўргазмаси ташкил қилинди.

» ЮСУПОВА,

Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси методика-библиография бўлими мудираси

» Ҳисобот концерти

Қадр топган кадриятлар



1 май куни Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги “Чотқол наволари” халқ фольклор-этнографик жамоаси ўзининг ҳисобот концертини ўтказди.

“Қадр топган кадриятлар” деб номланган ушбу тадбирда шаҳар нурунийлар кенгаши раиси Бакир Раҳимов сўз олиб, Президентимизнинг фольклор ва мақом санъатига бўлган эътибори миллий кадриятларимизни ёшлар ўртасида тарғиб қилишда катта аҳамиятга эгалиги ҳақида гапирди.

Кимёхон Қосимхонова раҳбарлигидаги жамоа барчани ўз куй-қўшиқлари, рақслари билан хушнуд этди.

» Наргиза ИШМЕТОВА

» Адабий тадбир

Шоира хотирланди

Хотира ва қадрлаш кунини арафасида “Нашида”, “Бармоқлар сеҳри”, “Замин дарғаси”, “Шукрона” номли китоблар муаллифи, шоира Уллубиби Отаева таҳсил олган Хива шаҳридаги 17-ихтисослашган умумтаълим мактабида адабий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Давлатёр Раҳимов, журналист Отабек Исмоилов, мактаб директори ўринбосари Қадамбой Отажонов кабилар шоираниннг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятидаги ибратли жиҳатлар ҳақида фахр билан гапириб беришди. Ўқувчилар эса шоираниннг шеърларидан намуналар ўқидилар.

Шу кунини ушбу мактабнинг собиқ ўқувчиларидан бири, бугунги кунда Навоий шаҳридаги 11-ихтисослашган умумтаълим мактаби директори сифатида фаолият кўрсатаётган Гулнора Жуманиёзова кадрдон таълим масканига ташриф буюриб, китоблар совға қилди.

» Мафтуна РАҲИМОВА,
Зайнаб КАМОЛОВА

» Халқаро конференция

“Ришталар ва йўллар”

Хитой халқ республикасида 29 апрель-3 май кунлари Муסיқа таълими альянсининг “Ришталар ва йўллар” номли II конференцияси бўлиб ўтди.

Ўттизта хорижий давлатдан еттидан зиёд жаҳоннинг нуфузли консерватория, академия ҳамда университетлари вакиллари қатнашган конференцияда Ўзбекистон давлат консерваториясининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори С.Ғафурова, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Э.Мамажоновалар ҳам иштирок этди.

Анжуман доирасида консерватория ректорларининг саммити, турли маданий-маърифий тадбирлар ва маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Барча давлат вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди.



» Музейлар ҳаётидан

Кўргазма ҳафталиги бошланди

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган кўргазма ҳафталиги бошланди.

Бундан ташкил этилган кўргазмада музей захирасида сақланаётган уруш даврига оид экспонатлар, шу йилларда фронтда мардларча жанг қилган аскарлар расмлари, уларга тегишли бўлган буюмлар ва қурол-аслаҳалар, мамлакат ичкарисида-

ги фашист босқинчиларни тор-мор этишига қаратилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар, китоблар ўрин олган.

Кўргазмага шаҳардаги барча мактаб ва билым юртлари жалб этилиб, тадбирлар ўтказилмоқда, илмий ходимларнинг “Фарғона вилояти Иккинчи жаҳон уруши йилларида” мавзусидаги маърузалари тингланмоқда.

Шунингдек, музей жаомаси томони-

дан Фарғона шаҳар Политехника институтида ҳам кўчма кўргазма ташкил этилди. “Фарғона: кеча ва бугун” мавзусидаги фото-кўргазмада шаҳар тарихи ва бугунги акс эттирилган фотосуратлар намойиш этилди.

» Ш.ЮНУСОВА,

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими

» Тасвирий санъат

Ижодий картиналар намойиши

1 май куни Самарқанддаги “Иқуо Хираяма” Халқаро Маданият қарвонсаройи кўргазмалар залида вилоят кўғирчоқ театри бош расмиси Николай Турсунович Султоновнинг ижодий намуналари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўргазмада “Шаҳарнинг тикланиши”, оила портретлари ва Самарқанднинг қадимий меъморий ёдгорликлари мавзусидаги 40дан зиёд асарлар намойиш этилди.

6 май куни эса вилоят кўғирчоқ театрида Самарқанд давлат университети ҳузурдаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача бошланғич ва махсус таълим методикалари” кафедраси тингловчи талабалари иштирокида Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди.



Танлов

“Қизилқум санъат ғунчалари-2019”



Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидаги маданият муассасалари ижодий жамоалари ўртасида бўлиб ўтаётган XV “Қизилқум санъат ғунчалари-2019” болалар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловнинг учинчи куни хонандалар, вокал гуруҳлари, оркестрлар ва зарбли чолғу ансамбллари ўз чиқишларини намойиш қилишди.



Концерт

Санъатга ошуфта қалблар

5 май куни Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги “Шоҳ супа” мажмуасида Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмасининг “Санъатга ошуфта қалблар” деб номланган концерт дастури намойиш этилди. Ансамбль аъзолари ижро этилган куй-қўшиқ, рақслар барчанинг олқишига сазовор бўлди. Дастурда Ўзбекистон Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов, Муқимий номидаги мусиқали ва комедия театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Одина Ғозиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаровлар ҳам иштирок этишди.



6 май куни эса шаҳарчада “Хонобод таровати” деб номланган ёшлар фестивали ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмасининг “Санъатим — саодатим” деб номланган концерт дастури намойиш этилди.

Раҳимжон АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмаси директори



Президент администратсияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг уюшқоқлик билан олиб борган фаолияти тез фурсатда ўз самарасини берди. Ушбу жараёнларда иштирок этиб, амалга оширилаётган хайрли ишларнинг гувоҳи бўлган Маданият вазирлигининг “Маданият муассасалари ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи ўринбосари Сарвар Норимов ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Бугунги кунда Бўка тумани, дарҳақиқат, маданият, маънавият, спорт, китобхонлик ва ишбилармонлик майдонига айлангандек гўё... Ҳар қадамда бешта ташаббуснинг натижалари юз кўрсатиб турибди. Хусусан, ёшларнинг мусиқа, расомлик, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, ўз қобилиятларини намойиш этишига кўмаклашиш мақсадида туманда фаолият олиб бораётган тўртта маданият маркази ва битта болалар мусиқа ва санъат мактаби тўла қайта таъмирланиб, зарур мусиқа асбоблари билан таъминланди. Жумладан, “Бўстон”, “Мустақил Ўзбекистон”, “Дўстлик” маданият марказлари қайта таъ-

Хотира турнири

Эътибор ва ғамхўрлик

Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабида Президентимизнинг беш ташаббуси ижроси ҳамда Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан “Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч” шиори остида тадбирлар ўтказилди.

Дастлаб спортнинг мини футбол тури бўйича ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди. Икки кун давом этган турнирда мактабнинг “Актёрлик санъати ва халқ рақси” кафедраси 10-синф ўқувчилари I ўринни эгаллашди. Ўқитувчилар ўртасида эса I ўрин “Анъанавий чолғу ижрочилиги” кафедраси ўқитувчиларига насиб этди. Шунингдек, турнирда энг яхши ҳужумчи, дарвозабон, жамоа каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим қилинди.

Таълим даргоҳидаги тадбир адабиёт, китобхонлик, расомлик, мусиқа, театр ва санъат кўргазмалари, спорт ўйинлари, китоб ярмаркалари билан давом этди. Тадбирлар якунида мактабнинг марҳум ўқитувчиси Маъруфжон Аширматов хотирасига бағишланган концерт дастури ҳам намойиш қилинди.

Ж.БЕКМУРОДОВ,
Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси

Хайрли ташаббус қанот қоқмоқда

Тараққиёт пойдевори

Шу кунларда мамлакатимиз Президенти илгари сурган бешта ташаббус асосида жойларда амалга оширилаётган янгилар эл-юрт фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир қиррасини намойиш этмоқда. Буни Тошкент вилояти Бўка тумани мисолида кўришимиз мумкин.



мирланиб, замонавий кўринишга келтирилди; янги жиҳозлар, мусиқа чолғу асбоблари олинди. Аини пайтда туман мусиқа ва санъат мактабни 6 та фортепиано, 100 дона жаҳон ва ўзбек композиторлари ҳамда бастакорлари яратган ўқув қўлланма, ноталар ва аудиоёзувлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг маълум қисми етказиб берилди. Ушбу маданият ва санъат муассасаларида 530 нафар ҳаваскор ёшлар тўғралакларга қатнашиб келмоқда. 49та умумтаълим мактаби ўқувчилари орасидан маданият ва санъат соҳасига қизиқадиган 3528 нафар, 40та маҳалладан 4794 нафар ёшларнинг рўйхати йўналишлар бўйича шакллантирилди. Мактабларни рубоб, дутор, доира, фортепиано билан таъминланишига эътибор қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туман ёшларининг китобхонлик ма-

даниятини оширишга ёрдам берадиган кутубхоналар турли мавзулардаги қизиқарли китоблари билан барчани ўзига жалб этмоқда. Вазирлик томонидан ажратилган 500 дона китоб ҳам туман ёшларининг маънавий камолотига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Умуман олганда, бешта ташаббус ижросига “лаббай” деб жавоб бераётган барча давлат ва жамоат ташкилотларининг бирдамлиги туфайли Бўка туманида рўй берган ажойиб ўзгаришлар аҳолини хурсанд қилгани, яшаш-ишлашга, ўқиш-изланишга кенг имкониятлар яратганини ўз кўзингиз билан кўрсангиз, сиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Бу ерда кунда-кун ора бўлаётган дилтортар учрашувлар, эл суйган санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари бўқалиқларнинг ҳар бир кунини фойз-тароватли, серфайз, сермазун ўтаётганидан далолат. Жумладан, Ўзбекистон халқ артистлари — Шерали Жўраев, Ёқуб Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев ва бошқа таниқли санъаткорларнинг чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бағишламоқда. Юртимиз бўйлаб давом этаётган хайрли саъй-ҳаракатлар барчамизга муборак бўлсин!

С.РИХСИЕВА ёзиб олди.



МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева
Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Мухаббат Шарифова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содикова
Адади - 9 953 Буюртма - Г - 527
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42.
Босмахонага топшириш вақти - 20.30
Топширилди - 20.30
1 2 3 4 6